

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ФАЗИЛОВА ШАРИФА МИРҲАМИДОВНА

**ЯНГИ ҚОН ЎРНИНИ БОСУВЧИ «РЕОМАННИСОЛ» НИНГ
ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯДА ҚЎЛЛАНИШИ**

14.00.16 – Нормал и патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Фазилова Шарифа Мирхамидовна

Янги қон ўрнини босувчи препарат «Реоманнисол» нинг гемолитик
анемияда

қўлланиши..... 2

Фазилова Шарифа Мирхамидовна

Применение нового кровезаменителя «Реоманнисола»

при гемолитической анемии..... 22

Fazilova Sharifa Mirkhamidovna

The use of a new blood substitute «Reomannisol» in hemolytic anemia..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ФАЗИЛОВА ШАРИФА МИРҲАМИДОВНА

**ЯНГИ ҚОН ЎРНИНИ БОСУВЧИ РЕОМАННИСОЛНИНГ
ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯДА ҚЎЛЛАНИШИ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib671 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Каримов Хамид Якубович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Саидов Алонур Бахтинурович

тиббиёт фанлари доктори

Юлдашев Носир Мухамеджанович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Самарқанд Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871 150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Р.Дж. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда олимларнинг асосий қизиқиши, яъни «...барча қон тизими касалликлари орасида 5,3% ни ва дунёда камқонлик ҳолатларининг 11,5% ни ташкил қилувчи гемолитик камқонликларни (ГК) ривожланиш механизми ва даволаш усуллари ўрганишга қаратилган...»¹. Шу билан бирга, гемолитик камқонликларда табиий толерантлигини таъминловчи, кўрсаткичлари «...бу механизмларнинг бузилиши натижасида гемолитик жараёнларга олиб келувчи, эритроцитларнинг парчаланиш механизмларини ўрганиш янада долзарб кўринишга эга бўлиб бормоқда...»². Экспериментал гемолитик камқонликларда темир алмашинуви тизими дисбаланси, антиоксидант ҳимоя, липидлар перекис оксидланиши ва эндоген интоксикация синдромини ривожланиши билан боғлиқ эритроцитларнинг парчаланиш механизминини аниқлаш, уларни тuzатишнинг янги йўллари ишлаб чиқишга имкон беради.

Жаҳонда патогенетик механизмларини ўрганиш ва шу билан бирга гемолитик анемияни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Периферик қон ва миелограмма кўрсаткичлари, эндоген интоксикация, темир метаболизми ва экспериментал гемолитик камқонликда Реосорбилакт ва Реоманнисолни самарадорлигини аниқлаш буйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Эритроцитларнинг зарарланиши ва парчаланиши танадаги турли хил патологик жарайонларнинг фаоллашишига олиб келади, бу эса гипоксия юзага келиб, ГҚда кўп орган етишмовчилиги ва ўлимга олиб келади. Организмнинг бундай шароитлари донор қонини қуйишни дарҳол талаб қилади, бу ҳар доимхам мумкин эмас. Шу муносабат билан, бугунги кунда гемолитик камқонлигида ўрнини босувчи даволашнинг муқобил усуллари излаш давом этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва

¹ Mentzer W.C., Schrier S.L. Extrinsic nonimmune hemolytic anemias. In: Hoffman R, Benz EJ Jr., Silberstein LE, et al., eds. Hematology: Basic Principles and Practice. 7th ed. Philadelphia, Pa.: Elsevier; 2018:663–672; Onyeabo Ch., Achi K. Ngozi, Ekeleme-Egedigwe Chima A., Chidinma U. Ebere, Chidinma K. Okoro Haematological and biochemical studies on justicia carnea leaves extract in phenylhydrazine induced-anemia in albino rats// Acta Sci. Pol. Technol. Aliment. 16(2) 2017, 217–230

²Paul S., Naaz S., Ghosh A., Mishra S., Chattopadhyay A. and Bandyopadhyay D. Melatonin chelates iron and binds directly with phenylhydrazine to provide protection against phenylhydrazine induced oxidative damage in red blood cells along with its antioxidant mechanisms: an in vitro study. Melatonin Research. 1, 1 (Dec. 2018), 1-20. doi.org/10.32794/mr11250001; Phillips J., Henderson A. C. / Hemolytic Anemia: Evaluation and Differential Diagnosis. Am Fam Physician. 2018 Sep 15;98(6):354-361

самарали ташхислаш...»¹ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида гемолитик камқонликни даволашда маҳаллий дори воситалари таъсирини самарадорлигини оширишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985 «Шошилинич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йилдаги 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирларини янада ривожлантириш тўғрисида»ги» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур йуналишдаги тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда дунёнинг бир нечта йирик илмий-тадқиқот марказларида гемолитик камқонликларни ривожланиш механизмларини ўрганиш ва уларни даволашда самарали усулларни топиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда (Shanmuga Priya M., Anbu N., Parthibhan P., Kanakavalli K., 2017; Goorani S., Shariatifar N., Seydi N., Zangeneh A., Moradi R., Tari B., Nazari F., Zangeneh M. M., 2019). Гемоглобин ва эритроцитларнинг камайиши барча тўқима ва органларда гипоксия ривожланишига, бунинг оқибатида, кечиктириб бўлмайдиган самарали терапевтик ёндашувни талаб этувчи беморнинг умумий аҳволини оғирлашишига олиб келади. Шунини инобатга олган ҳолда, гемолитик камқонликларни даволашда янги самарали усулларни топиш, бугунги кунда жуда ҳам истиқболли ва зарур ҳисобланади (Deepanshu G., Ankur J., Javed P., Sapna M., Anil K., 2017; Gheith I., at. el.Mahmoudy, 2018).

Мамлакатимизда экстремал шароитда сукцин кислотасига асосланган маҳаллий дори воситаларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тадқиқотлар (Жанарбеков А.О., Бейсенова Р.Р. 2015; Каримов Х.Я, 2017, Шевченко Л.И. ва ҳаммуал., 2018), вирусга қарши, ўсмага қарши, антиоксидант, дезинтоксикацион, радиацияга қарши, иммуностимулирловчи фаолликка эга бўлган ҳамда хужайраларнинг ҳаёт фаолиятини бошқариш, аъзоларнинг бузилган фаолиятни тикловчи ўсимликлардан тайёрланган кўплаб биологик фаол моддалар ишлаб чиқилган (Рахманбердиева Р.К. ва ҳаммуал., 2009; Ёркулов З.Э. ва ҳаммуал. 2009; 2011; 2013; Каримов Х.Я. ва ҳаммуал. 2012).

Бугунги кунда мавжуд бўлган ГКнинг ривожланиш механизмларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг хулосаларини асос қилиб олишга имкон бермайди, қайсики касалликни тажриба тарзида ривожланиш механизмларини ўрганиш долзарб ҳисобланади, чунки бунда касалликни генези бўйича кам ўрганилган томонларини очишга ва тузатиш усулларини излашга имконият бўлади. Охириги йилларда юқори технологияларга асосланган инновацион стратегиялар кенг ўрганилмоқда, бу эса ўз навбатида, касалликни шаклланиш механизми, ташхисот, асоратларини ривожланиш ҳавфини олдини олиш, даволаш ва профилактик чоралар каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олган персонал тиббиёт асосларини ишлаб чиқишга имкон яратади. Шу билан бирга, ГК билан хасталанган беморлар асоратланиш даражасини юқорилиги ва ўлим кўрсаткичи, шаклланиш механизмларини кам ўрганилганлиги каби очиқ қолган саволлар, касалликнинг профилактикаси ва давосида самарали усулларни ишлаб чиқишга имкон яратиш мақсадида, қўшимча тадқиқотлар олиб бориш зарур эканлигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иш Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Экспериментал ҳолатлар инфузион терапияси учун асл полифункционал қон ўрнини босувчи препаратларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Фенилгидразин чақирган экспериментал гемолитик камқонлик динамикаси ривожланишида тананинг ҳаётий фаолиятининг муаян метаболик, функционал ва таркибий параметрларига маҳаллий қон ўрнини босувчи Реаманнисолнинг таъсирини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каламушлардаги экспериментал гемолитик камқонликда қон кўрсаткичлари, гематопозитик тўқима, темир алмашинуви, липидлар пероксидацияси ва антиоксидант ферментларнинг фаоллик динамикаси ўзгаришларини баҳолаш;

каламушларнинг экспериментал гемолитик камқонлигида жигар ва талокнинг таркибий ўзгаришларини баҳолаш;

каламушларнинг экспериментал гемолитик камқонлигида реосорбилакт ва реоманнисолнинг периферик қон, гематопозитик тўқима, темир алмашинуви, липидлар пероксидацияси ва антиоксидант ферментларнинг

фаолияти параметрлари бўйича самарадорлигини қиёсий таҳлилни ўтказиш;
қиёсий таҳлил асосида ушбу дориларнинг таъсирини экспериментал гемолитик камқонлик динамикасида жигар ва талокдаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси вивария шароитида бўлган ($n=120$) оқ каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети тажрибага олинган жониворлар биологик материаллари: веноз қон (умумий қон таҳлили кўрсаткичлари), суяк кўмиги (миелограмма кўрсаткичлари), қон зардоби (темир алмашинуви, билирубин, ЛПО/АОТ, эндоген интоксикация) ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда экспериментал, биокимёвий ва статистик усулларидан фойдланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

каламушларда гемолитик камқонликнинг тажриба модели асосида, фенилгидрозинни (50 мг/кг) қорин бўшлиғига бир марталик юбориш йўли орқали олинган қон ва миелограмма гематологик кўрсаткичлари, жигар ва талок структур компонентлари морфологияси, темир ва билирубин алмашинуви, антиоксидант тизим, липидлар перекис оксиди ва эндоген интоксикация ҳолатининг гемолитик камқонлик шаклланишида патоненетик аҳамияти асосланган;

қонда эритроцитлар миқдорининг камайиши билан темир алмашинувининг ошиши ўртасида корреляцион боғлиқлик (УТБХ- $r=0,61$; ферритин билан $r=0,46$) ва умумий билирубин миқдори ($r=0,48$), АОТ фаоллигининг камайиши билан (каталазанинг - $r=0,45$; ГР - $r=0,57$; ГПО - $r=0,54$ ва СОД $r=0,34$) ва ЛПО ошиши билан (МДА - $r=0,62$; диенли конъюгатлар - $r=0,55$), шунингдек ЭИ ошиши билан (ЎМпл - $r=0,52$; концентрации ОПпл концентрацияси $r=0,92$; и ОПэр $r=0,92$) белгиланган, бу эса гемолитик камқонлик шаклланишида уларнинг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

экспериментал гемолитик камқонлик патогенезида аниқланган бузилишларнинг (умумий қон таҳлили, миелограмма, темир алмашинуви ва эндоген интоксикация кўрсаткичлари) гемолитик жараёнлар шаклланишидаги ўрни очиқ берилган;

экспериментал гемолитик камқонликдаги қон ва миелограмма гематологик кўрсаткичлари, жигар ва талок структур компонентлари морфологияси, темир ва билирубин алмашинуви, антиоксидант тизим, липидлар перекис оксиди ва эндоген интоксикация ҳолатини комплекс динамик баҳоси асосида, гемолитик камқонлик давосида янги маҳаллий қон ўрнини босувчи «Реоманнисол» дори воситасини қўллашнинг юқори самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гемолитик камқонликларнинг патогенетик ривожланиш механизмлари шаклланишини янада чуқурроқ тушунишга имкон берувчи маълумотлар олинган;

гемолитик камқонликларда бузилиш механизмларни тўғирлаш учун янги қон ўрнини босувчи «Реоманнисол» маҳаллий дори воситасини қўллаш асосланган, беморларни даволашда моддий ҳаражатларни қисқартиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган ва тажрибада тасдиқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тажриба ҳайвонларнинг сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, баҳолашнинг адекват ва юқори технологик замонавий усулларни татбиқ қилинишининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, тажрибада гемолитик камқонлик ривожланишининг қўшимча патогенетик механизмлари кўрсатилган, шунингдек қоннинг гематологик кўрсаткичлари билан миелограмма, темир ва билирубин алмашинуви, ЛПО/АОТ ҳамда эндоген интоксикация ўзгаришлари ўртасида ўзаро боғлиқлик белгиланганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тажриба тадқиқоти асосида гемолитик камқонликларда аниқланган комплекс бузилишларни тузатишда юқори терапевтик самарадорлик асосланган, бу эса ўз навбатида ушбу касаллик билан хасталанган беморларда асоратларни ривожланишини олдини олишга, шунингдек ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Янги қон ўрнини босувчи «Реоманнисол»нинг гемолитик анемияда қўлланилишини самарадорлигини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«Гемолитик камқонликни моделлаш тартиби» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 8н-д/257-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гемолитик камқонлик касалликни ташхислаш ва даволашнинг самарали тизимини амалга ошириш имконини берган;

Янги қон ўрнини босувчи «Реоманнисол»нинг гемолитик анемияда қўлланилишини самарадорлиги ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти шифохонасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги 8н-з/111-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши темир алмашинуви ва эндоген интоксикация кўрсаткичларини тиклаш асосида, гемоглобин ва эритроцитлар миқдорини меъерий ҳолатга келтирувчи янги маҳаллий қон ўрнини босувчи «Реоманнисол» дори воситасининг қўлланилиши бўйича тадқиқотнинг асосий натижаларини тадбиқ қилиниши, гемолитик камқонликларда даволаш самарадорлигини ошириш ва касалланиш сонини камайиштириш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисми диссертация мавзусининг аҳамияти, долзарблиги ва заруратини асослаб беради, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметини белгилайди, тадқиқот иши Республика фан ва техника тараққиётининг устувор соҳаларига мослиги кўрсатилган, илмий ишнинг янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалар асосида амалиётга тадбиқ этилган маълумотлар, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Гемолитик камқонликлар муаммосининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи боби уч бўлимдан ташкил топган бўлиб, гемолитик камқонликларнинг умумий муаммолари, ривожланиш механизмлари ва даволаш усуллари ҳақидаги чоп этилган маълумотлар келтирилган. Илмий нашрларда акс этирилмаган масалалар ёритиб берилган. Мавжуд ташхис қўйиш ва олдини олиш усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, ушбу катта муаммонинг ечилмаган ёки аниқлаштириш керак бўлган жиҳатлари аниқланди.

Диссертациянинг «**Гемолитик камқонликни баҳолаш материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида тажриба материалларнинг тавсифи, ГКни модуллаштириш бўйича тадқиқодлар дизайни ва усулларига бағишланган. ГКнинг тажриба модели бир маротаба 50 мг/кг миқдорда фенилгидразинни қорин бўшлиғига юбориш орқали яратилди. Ҳайвонлар устида бажариладиган барча тажрибалар, халқаро илмий ташкилотлар кенгаши томонидан 1985-йилда ишлаб чиқилган (СИОМС, Женева, 1985), ҳайвонлардан фойдаланган ҳолда тиббий-биологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича халқаро тавсиялар (этика кодекси) га мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқот мақсадига мувофиқ, ўрганилган ҳайвонлар (n=120) тажрибанинг 1-қунда тасодифий танлаш йўли билан гуруҳларга бўлинди: I гуруҳ (n=10) - соғлом ҳайвонлар; II гуруҳ (n=35) - ГК тажриба модели билан; III гуруҳ (n=25) - ГКнинг тажриба моделига физиологик эритма

(натрий хлорид эритмаси 0,9%) киритилгандан сўнг; IV гуруҳ (n=25)-ГКнинг тажриба моделига эга ҳайвонларга «Реосорбилакт» дори воситаси киритилгандан сўнг; V гуруҳ (n=25)-ГК тажриба моделига эга ҳайвонларга янги маҳаллий ишлаб чиқарилган қон ўрнини босувчи «Реоманнисол» дори воситасини киритилгандан сўнг.

Фенилгидразинни 5 кун давомида киритгандан кейин натрий хлорид 0,9%, Реосорбилакт, Реоманнисол дори воситалари ҳайвонларнинг вазнига 10 мг/кг миқдорда юборилди.

Каламушларда тадқиқодлар фенилгидразин юборилгандан кейин 1-2-5 кун ўтгач, енгил эфир беҳушлик остида ҳайвонларнинг декопитацияси ўтказилди. Барча гуруҳдаги ҳайвонларнинг жигар ва талоклари морфологик текширувлардан ўтказилди ва қон зардоби биокимёвий тадқиқодлар учун ишлатилди.

Илмий ишда қуйидаги тадқиқот усуллари мажмуасидан фойдаланилди: Mindray (Хитой) гематологик анализатори ёрдамида қон гематологик параметрлари аниқланди (гемоглобин концентрациясини аниқлаш, қизил қон таначалари, ранг кўрсаткичлари, тромбоцитлар, оқ қон таначалари миқдорини ҳисоблаш ва эритроцитларнинг чўкиш тезлигини аниқлаш), кейин N-300М микроскопи ёрдамида уларнинг морфологияси баҳоланди; суяк илиги суртма морфологияси N-300М микроскопи ёрдамида ўрганилди; темир метаболизмининг кўрсаткичлари (қон зардобдаги темир миқдори (ЗТ)) HUMAN (Германия) тест-системасидан фойдаланилган ҳолда ИФ88Ф (Mindray, Хитой) ярим автомат биокимёвий анализаторида ўтказилди, Генри колометрик усули (1991) билан зардобдаги умумий темирнинг боғлаб олиш хусусияти (УТБХ), ферритиннинг қон зардобдаги концентрацияси «Вектор-Бест»: «Ферритин-ИФА-БЕСТ» фирмасининг тўпламлари ёрдамида иммунофермент (ELISA) усули билан аниқланди. Ўлчовлар 450 ва 630 нм да планшетли фотометр MP96 (Миндрай, Хитой) да амалга оширилди; умумий билирубин ва унинг фракциялари (боғланган ва боғланмаган) HUMAN (Германия) тест-системасидан фойдаланилган ҳолда «BA88A» (Mindray, Китай) ярим автомат биокимёвий анализаторида; антиоксидант ҳимоя ва липидларнинг перекисли оксидланиши (малон диалдегид (МДА) таркиби, диенли кетонлар (Дкет), диенли конюгатлар (Дкон), супероксиддимутаза (СОД) фаоллиги, каталазалар (КТ), глутатионредуктазалар (ГР) ва глутатионпероксидазалар (ГПО), коэффицент К (ЛПО/АОТ)) UNICO 2800 (United products and instruments, Inc., АҚШ) спектрофотометрда; эндоген интоксикация кўрсаткичлари (ЭИ): ўрта молекула хажми (ЎМ), олигопептидлар концентрацияси (ОП), эритроцитлар сорбцион хажми (ЭСХ), токсемия индекси (ИТ), интоксикация индекси (ИИ) ва ЎМпл./ЎМэр тарқатиш коэффицентини М.С.Гончаренко ва б. (2011) ва Копытова Т.В. (2006) усулларида текширилди. Ўлчовлар UNICO 2800 (United Products and Instrument, Inc., АҚШ) спектрофотометри ёрдамида амалга оширилди.



Бундан ташқари, тажриба каламушларда жигар ва талокнинг тузилишини морфологик таҳлил қилиш «NOVEL» (Хитой) фирмасининг

фотомикроскоп ёруғлик микроскопи остида 10 окулярда ва 20, 40 ва 90 объективларда амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Даволашдан олдинги тажриба гемолитик камқонликда биокимёвий ва морфологик кўрсаткичларнинг ҳолати**» деб номланган учинчи бобида фенилгидразин индуцирланган гемолитик камқонлиги бор каламушларнинг умумий ҳолати, қон ва суяк илиги гематологик кўрсаткичлари, жигар ва талокдаги морфологик ўзгаришлар, темир ва билирубин алмашинуви кўрсаткичлари, ЛПО/АОТ ва ЭИ тизимлар натижалари ёритилган. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, фенилгидразин қўзғатган гемолитик камқонлик, интоксикация ва қизил қон таначаларининг гемолизини ортиши туфайли ҳайвонларнинг умумий ҳолатининг (100,0%) ёмонлашиши то унинг ўлимигача (20,0%) олиб келади.


Тажрибанинг 1, 2 ва 5-кунлари фенилгидразинли гемолитик камқонлик билан хасталанган каламушларда жигар ва талокнинг структура компонентларини морфологик ўрганиш жараёнида дисциркулятор, дистрофик ва деструктив ўзгаришларнинг ривожланишини кўрсатди. Бундан ташқари, жигарда Купфер хужайралари томонидан пролифератив жараёнлар туфайли цитоплазмада липофуцин ва билирубин тўпланиши ҳисобига ривожланувчи ёғ дистрофияси ҳамда пигментация билан кечувчи синусоидлар ва Диссе бўшлиғида экстремедуляр қон яратилиш ўчоқлари қайд этилди. Талокда деструктив жараёнлар синуслар бўшлиғи ва пулпаларда қизил қон хужайраларининг гемолизланиши, гиперпигментация ва макрофагларнинг фагоцитар фаоллигининг ошиши билан намоён бўлди. Талокнинг оқ пулпасида макрофаг фаолияти кузатилди, айниқса, герминатив марказларда, лимфоид хужайралар билан макрофагларнинг розеткалари ҳосил бўлиши кўринишида ифодаланган (1-расмга қаранг).



1-расм. Каламушларнинг фенилгидразинли гемолитик камқонлигида жигар (А) ва талок (Б)нинг морфологик ўзгаришлари

Тажриба ҳайвонларга фенилгидразин юборилгандан кейин пайдо бўлган гемолитик камқонликнинг морфологик белгилари билан бир қаторда гемограмма ва миелограммада гематологик кўрсаткичларнинг ўзгаришлари

келиб чиқди. Хусусан, тажрибанинг 5-кунида каламушларда фенилгидразин чақирган гемолитик камқонлик соғлом гуруҳ билан ($Hb - 123,0 \pm 7,4$ г/л; Эр - $3,6 \pm 0,16 \times 10^{12}$ /л; ЭЧТ - $5,0 \pm 0,68$ мм/ч) солиштирилганда энг юқори даражага эришган, гемоглабин даражаси сезиларли 1,8 марта ($69,5 \pm 2,8$ г/л; $p_1 < 0,001$) пасайиши, қондаги қизил қон таначалари сонини 2,18 марта ($1,65 \pm 0,09 \times 10^{12}$ /л; $p_1 < 0,001$) пасайиши, ЭЧТ 3,6 марта ($18,0 \pm 0,87$ мм/ч; $p_1 < 0,001$) тезлашиши, анизоцитоз ва пойкилоцитоз пайдо бўлиши билан намоён бўлди (2 - расмга қаранг).




2-расм. Каламушларнинг фенилгидразинли гемолитик камқонлигида қоннинг морфологик расми (А-эритроцитлар анизоцитози ва пойкилоцитози; Б-ретиколоцитоз).

Бешинчи куни фенилгидразинли гемолитик камқонлиги бор каламушларнинг суяк илиги эритроид хужайравий қатори таҳлил қилинганда эритробластлар даражасини 2,7 марта ($2,96 \pm 0,04\%$) ошиши кузатилди. Шу билан бирга пронормоцитлар таркиби ($5,97 \pm 0,047\%$), базофил ($7,97 \pm 0,09\%$), полихроматофил ($18,83 \pm 0,06$) ва оксифил нормоцитлар ($14,66 \pm 0,04\%$) соғлом гуруҳга қараганда статистик 3,98 ($1,5 \pm 0,04\%$); 2,28 ($3,5 \pm 0,11\%$); 1,9 ($9,6 \pm 0,08\%$) ва 3,96 ($3,7 \pm 0,07\%$) марта ошиши кузатилди.

Шундай қилиб, жигар ва талокнинг морфологик тузилишларида ҳамда қон ва суяк илиги гематологик кўрсаткичларида белгиланган ўзгаришлар уларнинг гемолитик камқонликда патологик жараёнга алоқадорлигини исботлайди.

Бундан ташқари, тажриба ҳайвонларда ГК юқоридаги ўзгаришлари темир ва билирубин алмашинувидаги бузилишлар билан кечди ва унинг оғирлик даражаси тадқиқотнинг бешинчи кунигача ошди. Масалан, 1,2 ва 5 кунида зардобдаги темир миқдори 2,83 марта ($23,8 \pm 2,20$ мкмоль/л), 4,44 марта ($37,3 \pm 2,3$ мкмоль/л) ва 6,43 марта ($54 \pm 2,6$ мкмоль/л) ошди, бу ўз навбатида ферритин миқдорини мос равишда 6,5 марта ($16,0 \pm 1,4$ нг/мл), 6,97 марта ($18,1 \pm 0,9$ нг/мл) ва 11,7 марта ($30,3 \pm 2,3$ нг/мл), шунингдек, УТБХ 2,4 марта ($190,70 \pm 26,8$ мкмоль/л), 2,5 марта ($198,1 \pm 23,0$ мкмоль/л) ва 2,6 марта ($203,6 \pm 24,8$ мкмоль/л) тажрибанинг биринчи, иккинчи ва бешинчи кунлари соғлом ҳайвонлардаги кўрсаткичларга нисбатан ($8,4 \pm 0,50$ ммол/л, $2,6 \pm 0,5$ нг/мл ва $79,7 \pm 5,6$ ммол/л) ошишига олиб келди. Шу билан бирга ГК бўлган ҳайвонларда темир алмашинувидаги ўзгаришлар умумий билирубин

даражаси, унинг боғланмаган фракцияси ҳисобига сезиларли ошиши билан кечди. Шундай қилиб, 1-кунда II гуруҳ ҳайвонларда умумий билирубин ва унинг боғланмаган фракцияси даражаси 3,6 (21,2±0,77 ммоль/л) ва 3,61 марта (15,9±0,70 ммоль/л) га, 2-кунда 6,05 (35,7±1,4 мкмоль/л) ва 5,27 марта (23,2±1,04 мкмоль/л) ва 5-кунда 16,76 (98,9±3,23 мкмоль/л) ва 14,61 (64,3±2,0 мкмоль/л) мартага соғлом ҳайвонларга нисбатан (умумий билирубин - 5,9±0,20 мкмоль/л ва боғланмаган билирубин - 4,40±0,15 мкмоль/л) ошган (3 - расмга қаранг).



3-расм. Экспериментал гемолитик камқонлиги бор каламушларда темир ва билирубин алмашинуви кўрсаткичларининг динамикаси

Шундай қилиб, тана оғирлигига 50 мг/кг миқдорда қорин ичига бир марталик фенилгидразинни 2% эритмасини юборилиши каламушларда гемолитик камқонликни чақиррилиши, эритроцитлар гемолизини ошиши ва темир ҳамда билирубин алмашинуви бузилиш кўрсаткичлари билан боғлиқ, бу бешинчи кунда гемоглабин ҳамда, эритроцитлар УТБХ ($r=0,61$ ва $r=0,59$ мос равишда) даражаси, ферритин ($r=0,46$ ва $r=0,65$ мос равишда) ва умумий билирубин даражаси ($r=0,48$ ва $r=-0,88$, мос равишда) орасида корреляция борлиги билан тасдиқланган. Фенилгидразинли ГКнинг ЛПО/АОТ тизими ҳолатини ўрганиш унинг кўрсаткичлари бўйича номутаносиб ривожланишини кўрсатди ва бу ҳам тадқиқотнинг 5-кунида максимал ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, бу ҳолат АОТ функционал фаоллигининг камайиши билан, бу эса плазмада СОД миқдорининг 2,25 марта ($2,80\pm 0,10$ бирл/мг оксил бирл.; $p_1<0,001$), ГПО 4,44 марта ($0,09\pm 0,004$ шарт. бирл/дақ х мг Нв; $p_1<0,001$), ГР даражаси 5,2 марта ($0,50\pm 0,03$ мкМ НАДФН₂/дақ х г/Нв; $p_1<0,001$), каталаза фаоллигини 2,48 марта ($14,3\pm 1,2$ нг/мг Нв х дақ; $p_1<0,001$), пероксид жараёнларини фаолаштириш фонида МДА концентрациясини деярли 2 марта ($5,10\pm 0,21$ нмоль/мл пл), диен конюгантлар ва диен кетонлар даражаси 2,64 марта ($3,70\pm 0,24$ нис.бирл.) ва 2,47 марта ($0,37\pm 0,025$ нисб.бирл.), ЛПО/АОТ нисбатини 5,57 мартага ($0,518\pm 0,025$ нис.бирл.) ошганлиги орқали намоён бўлди.

Ушбу тизимдаги ўзгаришлар қизил қон хужайралари сонининг камайиши билан боғлиқ, хусусан, тадқиқотнинг бешинчи куни каталаза, ГР, ГПО ва СОД ($r=0,45$; $r=0,57$; $r=0,54$ ва $r=0,34$, мос равишда) даражаларининг ошиши ҳамда МДА даражаси, диен конюгантлар ($r=0,62$; $r=0,55$ мос равишда) билан қизил қон хужайралари даражасининг пасайиши ўртасида корреляцион боғлиқлик кузатилди. Айти пайтда липид пероксидацияси жараёнларининг ошиши ва АОТ ферментлари фаоллигининг пасайиши гемолитик камқонликка чалинган ҳайвонларнинг оғир ҳолатини кўрсатди. Тажрибанинг 5-кунига келиб, гемолитик камқонликка чалинган ҳайвонларда ЭИ кўрсаткичлари бўйича ЎМпл қиймати $19,89 \pm 0,85$ ш.б., ОПпл.– $1,30 \pm 0,08$ г/л ва ИТпл.– $25,86 \pm 1,35$ га етди ва соғлом ҳайвонларда унинг қийматини оширди. Шунингдек, иккинчи гуруҳда тажрибада гемолитик камқонликдан кейин, I гуруҳдаги эндоген интоксикация кўрсаткичларининг мос қийматларига нисбатан ЎМэр таркиби $20,43 \pm 0,92$ ш.бирл., ОПэр.–1 дан $1,42 \pm 0,07$ г/лгача, ИТэр.– $29,01 \pm 1,77$ гача, ЭЎХ– $14,69 \pm 0,84\%$ гача, ИИ– $54,87 \pm 3,41$ гача ошди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Каламушларда гемолитик камқонлик (фенилгидразин интоксикация) тадқиқот гуруҳларида эндоген интоксикация кўрсаткичларининг ҳолати ($M \pm m$)

Ўрганилган кўрсаткичлар	I гуруҳ (соғломлар)	II гуруҳ (ГК)		
		1-кун	2-кун	5-кун
Плазмада				
ЎМ, шарт.бирл.	$10,6 \pm 0,76$	$13,6 \pm 0,81^*$	$16,04 \pm 0,7^{***}$	$19,9 \pm 0,8^{***}$
Олигопептидлар концентрацияси, г/л	$0,7 \pm 0,04$	$0,91 \pm 0,07^{**}$	$1,28 \pm 0,13^{***}$	$1,30 \pm 0,08^{***}$
Токсемия индекси	$7,43 \pm 0,6$	$12,3 \pm 0,6^{***}$	$20,53 \pm 1,55^{***}$	$25,9 \pm 1,3^{***}$
Интоксикация индекси	$20,5 \pm 1,2$	$32,8 \pm 2,02^{***}$	$57,5 \pm 2,2^{***}$	$54,9 \pm 3,4^{***}$
Эритроцитларда				
ЎМ, шарт.бирл.	$13,9 \pm 1,2$	$17,06 \pm 0,9^*$	$18,6 \pm 1,0^{**}$	$20,43 \pm 0,9^{***}$
Олигопептидлар концентрацияси, г/л	$0,94 \pm 0,06$	$1,2 \pm 0,08^*$	$1,9 \pm 0,16^{**}$	$1,42 \pm 0,07^{***}$
Токсемия, индекси	$13,06 \pm 0,76$	$20,5 \pm 1,2^{***}$	$36,9 \pm 1,09^{***}$	$29,01 \pm 1,8^{***}$
ЭЎХ, %	$20,6 \pm 1,1$	$18,8 \pm 0,9$	$23,76 \pm 1,13^*$	$24,7 \pm 1,28^{***}$



Изох: *- $p_1 < 0,05$; **- $p_1 < 0,01$; ***- $p_1 < 0,001$ соғлом ҳайвонларга нисбатан ишончли (I гуруҳ).

Шундай қилиб, гемолитик камқонликда патологик жараён ривожланишини ўзига хос хусусияти бўлмиш ЭИ синдромини пайдо бўлиши учун патогенетик шарт-шароитларни яратади, бу эса ЎМпл ортиши, ОПпл ва ОПэр концентрацияси эритроцитлар ($r=0,52$; $r=0,92$ ва $r=0,92$ мос ҳолда), гемоглобин ($r=0,58$; $r=0,85$; $r=0,83$ ва $r=0,92$ мос ҳолда) даражасининг пасайиши ва ретикулоцитлар даражасининг ортиши ($r=0,64$; $r=0,73$; ва $r=0,75$, мос равишда) билан корреляцион боғлиқлигини тасдиқланди.

Диссертациянинг «**Каламушларда гемолитик камқонликни турли даволаш усуллари самарадорлигининг қиёсий хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида фенилгидразин гемолитик камқонликдаги бузилишларни тузатиш усуллариининг самарадорлигини баҳолашга бағишланган. Каламушларда гемолитик камқонликда аниқланган бузилишларни даволашни баҳолаш (0,9% физиологик эритма билан «Реосорбилакт» ва янги маҳаллий қон ўрнини босувчи «Реоманнисол» билан тажриба давомида беш кун 10 мг/кг миқдорда киритилди) шуни кўрсатдики, тажрибанинг бешинчи куни ҳайвонлар умумий ҳолатини максимал яхшиланганлиги ва ўлим кўрсаткичини минимал даражада бўлиши, IV ва V гуруҳ ҳайвонларга «Реосорбилакт» ва янги маҳаллий қон ўрнини босувчи «Реоманнисол» қуйилганда рўй берди. Шу билан бирга, даволаш пайтида каламушларнинг энг катта актив фаолияти V гуруҳида кузатилган, бу «Реоманнисол» нинг моддалар алмашинувига таъсир қила олиши, интоксикация жараёнларининг чуқурлигини камайтириш хусусиятига эга эканлиги билан бевосита боғлиқдир.


«Реоманнисол» дори воситаси қўлланилгандан кейин ГК ҳайвонларда жигар ва талокнинг морфологик тасвири дисциркулятор, дистрофик ва пролифератив жараёнларнинг пасайиши билан характерланди. Жигар стромасида экстрамедуляр гематопоез ўчоқлари камайди. Гепатоцитларда ёғ дистрофияси йўқолди, гепатоцитларнинг цитоплазмаси эса ҳеч қандай патологик киритмаларсиз эозинофилли бўла бошлади. Шу билан бирга талокда, эритроцитлар гемолизи ҳажмининг камайиши, гипертрофияланган ретикуляр строма сатҳининг ортиши ва макрофагларнинг фагоцитар фаоллигининг ортиши кузатилди (4-расмга қаранг).

0,9% физиологик эритма билан даволашдан сўнг III тажриба гуруҳ ҳайвонларнинг гемограммасини миқдорий ва морфологик белгилари динамикасини баҳоланганда, 0,9% физиологик эритма билан даволаш II гуруҳ даволанмаган ҳайвонларнинг белгиларидан кам фарқлар аниқланди, бу эса қўлланилаётган дори воситасининг паст самарадорлик натижасини кўрсатди. «Реосорбилакт» ва «Реоманнисол» дори воситаси билан даволанган IV ва V гуруҳ ҳайвонларнинг гемограмма маълумотларини таҳлил қилинганда, гемоглобин концентрацияси, эритроцитлар ва ретикулоцитлар миқдорини, тажрибанинг 5 кунига келиб II гуруҳ ҳайвонларга нисбатан 1,44 ($p_1 < 0,001$), 1,7 ($p_1 < 0,05$), 1,36 марта ($p_1 < 0,001$) мос равишда, шунингдек 1,56 ($p_1 < 0,001$), 1,9 ($p_1 < 0,01$), 1,3 марта ($p_1 < 0,001$) мос равишда ошганлигини кўрсатди.



4-расм. «Реоманнисол» дори воситаси билан даволангандан сўнг фенилгидразинли ГК эга бўлган каламушларнинг жигар (А) ва талоғининг (Б) морфологик кўрсаткичлари

Эритроцитларнинг чўкиш тезилиги ЧТ даражаси эса мос равишда 1,8 ва 2,0 марта ($p_1 < 0,001$) паст бўлган. Шу билан бирга бу гуруҳлардаги эритроцитларининг морфологик сурати ҳам ижобий динамикани намоён қилиб, анизоцитоз ва пойкилоцитоз даражасининг пасайиши билан ифодаланган (5-расмга қаранг).




5-расм. Тажрибанинг 5-кунда 0,9%ли физиологик эритма, реосорбилакт ва реоманнисолни қўллашдан кейин каламушлардаги гемолитик камқонликда қоннинг гематологик параметрларини қиёсий баҳолаш натижалари

Даволашнинг бешинчи кунига келиб, III, IV ва V гуруҳлардаги хайвонларда қизил суяк илигининг хужайравий таркиби баҳоланганда эритробластлар мос равишда 1,4 ($p_1 < 0,001$), 2,94 ($p_1 < 0,001$) ва 2,1 марта ($p_1 < 0,001$); пронормоцитлар мос равишда 1,0 ($p_1 < 0,01$), 2,4 ($p_1 < 0,001$) ва 3,0 раз ($p_1 < 0,001$); базофил нормоцитлар мос равишда 1,05 ($p_1 < 0,01$), 1,5 ($p_1 < 0,001$) ва 1,9 марта ($p_1 < 0,001$); полихроматофил нормоцитлар 1,1 ($p_1 < 0,01$), 1,84 ($p_1 < 0,001$) ва 1,9 марта ($p_1 < 0,001$) ва оксифил нормоцитлар

даражасининг мос равишда 1,2 ($p_1 < 0,01$), 2,3 ($p_1 < 0,001$) ва 2,62 марта ($p_1 < 0,001$) пасайиши билан характерланади.

Шундай қилиб, фенилгидразинли гемолитик камқонлик V гуруҳ хайвонларни қон ўрнини босувчи «Реоманнисол» билан даволангандаги суяк илигининг эритроид боғланиш кўрсаткичлари III ва IV гуруҳ хайвонларга нисбатан энг катта ижобий динамикани кўрсатди.


Темир ва билирубин алмашинуви кўрсаткичлари динамикаси шуни кўрсатдики, III, IV ва V гуруҳларда, II гуруҳга нисбатан бешинчи кунга келиб, ЗТ даражаси мос равишда 1,4 ($p_1 < 0,01$), 2,02 ($p_1 < 0,001$) ва 4,74 марта ($p_1 < 0,001$); УТБХ мос равишда 1,52 ($p_1 < 0,01$), 1,96 ($p_1 < 0,001$) ва 2,33 марта ($p_1 < 0,001$); ферритин мос равишда 2,3 ($p_1 < 0,001$), 3,2 ($p_1 < 0,001$) ва 7,1 марта ($p_1 < 0,001$); умумий билирубин мос равишда 6,64 ($p_1 < 0,001$), 8,2 ($p_1 < 0,001$) ва 15,7 марта ($p_1 < 0,001$); билирубиннинг боғланмаган фракцияси мос равишда 9,3 ($p_1 < 0,001$), 11,4 ($p_1 < 0,001$) ва 21,6 раз ($p_1 < 0,001$), боғланган фракцияси эса мос равишда 5,74 ($p_1 < 0,001$), 7,08 ($p_1 < 0,001$) ва 13,7 марта ($p_1 < 0,001$) камайди. Кўриниб турибдики, кўрсатилган қийматлар «Реоманнисол» дори воситасининг самарадорлиги юқори эканлигини исботлайди (6-расмга қаранг).



6-расм. Каламушларда фенилгидразинли ГҚда 0,9%ли физиологик эритма, реосорбилакт ва реоманнисол юборилгандан кейинги 5-кунига келиб зардобдаги темир ва билирубинни динамикаси

Ўтказилган даво муолажалари фонида бешинчи кунга келиб, ЛПО/АОТ кўрсаткичлари III, IV ва V гуруҳ хайвонларда каталаза концентрацияси мос равишда 1,62 ($p_1 < 0,001$), 2,68 ($p_1 < 0,001$) ва 2,3 марта ($p_1 < 0,001$); ГРЭр мос равишда 3,36 ($p_1 < 0,001$), 3,8 ($p_1 < 0,001$) ва 4,96 марта ($p_1 < 0,001$); ГПОЭр мос равишда 2,44 ($p_1 < 0,001$), 3,2 ($p_1 < 0,001$) ва 4,3 марта ($p_1 < 0,001$); СОДпл мос равишда 1,46 ($p_1 < 0,001$), 1,75 ($p_1 < 0,001$) ва 2,23 марта ($p_1 < 0,001$) кўтарилганлиги қайд этилди. Шу билан бирга ўрганилган гуруҳларда МДАпл

даражалари мос равишда 1,55 ($p_1 < 0,001$), 1,63 ($p_1 < 0,001$) ва 1,9 марта ($p_1 < 0,001$); диен кетонлар мос равишда 1,54 ($p_1 < 0,001$), 1,76 ($p_1 < 0,001$) ва 2,3 марта ($p_1 < 0,001$); диен конъюгатлар мос равишда 1,66 ($p_1 < 0,001$), 1,74 ($p_1 < 0,001$) ва 2,64 марта ($p_1 < 0,001$); ЛПО/АОТ нисбати мос равишда 2,6 ($p_1 < 0,001$), 3,47 ($p_1 < 0,001$) ва 5,25 раз ($p_1 < 0,001$) камайганлиги кўрилди. ПОЛ/АОС кўрсаткичларидаги фарқлар даражаси шуни кўрсатдики, «Реоманнисол» дори воситаси липидлар пероксидацияси ва антиоксидант ҳолати жараёнларига энг қулай таъсир кўрсатган (7-расмга қаранг).



7-расм. 5-кундаги 0.9%ли физиологик эритма, реосорбилакт ва реоманнисолни қўллашдан кейин тажрибадаги каламушлар гемолитик камқонлигида ЛПО/АОТ кўрсаткичлари ҳолати

III, IV ва V гуруҳлардаги ЭИ ҳолатининг даволанишдан кейинги таҳлили тадқиқотнинг бешинчи кунига келиб унинг деярли барча кўрсаткичларини пасайишини кўрсатди. Хусусан, 5 суткада $\dot{M}_{пл}$ даражаси мос равишда 1,54 ($p_1 < 0,01$), 1,7 ($p_1 < 0,001$) ва 1,86 марта ($p_1 < 0,001$); $OP_{пл}$ мос равишда 1,57 ($p_1 < 0,01$), 78 ($p_1 < 0,001$) ва 1,8 марта ($p_1 < 0,001$); $IT_{пл}$ мос равишда 2,4 ($p_1 < 0,01$), 3,06 ($p_1 < 0,001$) ва 3,4 марта ($p_1 < 0,001$) камайди. Камайиши билан характерланадиган ўхшаш бўлган ўзгаришлар $\dot{M}_{эр}$ мос равишда 1,27 ($p_1 < 0,01$), 1,45 ($p_1 < 0,001$) ва 1,76 марта ($p_1 < 0,001$); $\dot{M}_{пл}/\dot{M}_{эр}$ тақсимланиш коэффиценти мос равишда 1,2 ($p_1 < 0,01$), 1,25 ($p_1 < 0,001$) ва 1,27 марта ($p_1 < 0,001$); $OP_{эр}$ мос равишда 1,27 ($p_1 < 0,01$), 1,45 ($p_1 < 0,001$) ва 1,5 марта ($p_1 < 0,001$); $IT_{эр}$ мос равишда 1,2 ($p_1 < 0,01$), 2,17 ($p_1 < 0,001$) ва 1,69 марта ($p_1 < 0,001$), шунингдек, ЭЎХ мос равишда 1,35 ($p_1 < 0,01$), 1,54 ($p_1 < 0,001$) ва 1,4 марта ($p_1 < 0,001$) топилди (2-жадвалга қаранг).

Шундай қилиб, даволаш фонидан кейинги ЭИ кўрсаткичлари ўзгаришлари натижалари шуни кўрсатдики, ГК бор IV ва V гуруҳ хайвонларда «Реосорбилакт» дори инфузиясидан кейин, «Реоманнисол»ни фойдалангандан сўнг кўрсаткичлар пасайди, бу афтидан уларнинг таркибига кирувчи компонентларни хужайра ва тўқима даражадаги репаратив жараёнларида иштирокида билан боғлиқ [31; б.333–348, 48; б. 86–96].

Реосорбилакт ва Реоманнисолни юборилгандан кейин тажрибадаги каламушлар гемолитик камқонлигини текшириляётган гуруҳларда (фенилгидразин интоксикацияси) эндоген интоксикация кўрсаткичларининг ҳолати, 5-кундаги 0,9%ли физиологик эритма юборилгандан кейин (M±m)

Кўрсаткичлар	Ҳайвонлар гуруҳи				
	I гуруҳ (n=10)	II гуруҳ (n=8)	III гуруҳ (n=8)	IV гуруҳ (n=7)	V гуруҳ (n=7)
ЎМ _{пл} , шарт.бирл.	10,6±0,76	19,89±0,85 ***	12,94±0,62 *^&&&	11,47±0,44 ^^^	10,68±0,45 ^^^
ОП _{пл} , г/л	0,7±0,04	1,30±0,08 ***	0,83±0,05 *^&&&	0,76±0,03 ^^^	0,712±0,03 ^^^
ИТ _{пл}	7,43±0,57	25,86±1,35 ***	10,74±0,55 ***^&&&	8,72±0,71 ^^^	7,60±0,33 ^^^
ИИ	20,48±1,19	54,87±3,41 ***	28,60±1,48 ***^&&&	24,32±1,54 ^^^	20,78±1,3 *^&&&
ЎМ _{эр} , шарт.бирл	13,9±1,18	20,43±0,92 ***	16,09±0,69 ^^	15,6±1,5 ^^	14,01±0,54 ^^^
ОП _{эр} , г/л	0,94±0,06	1,42±0,07 ***	1,11±0,05 *^^	1,00±0,04 ^^^	0,941±0,04 ^^^
ИТ _{эр}	13,06±0,76	29,01±1,77 ***	17,86±1,87 ***^&&&	15,6±1,23 ^^^	13,18±0,84 *^&&&
ЭЎХ, %	20,61±1,10	24,69±1,28 ***	24,01±0,94 ^^^	22,64±0,46 ^^^	20,55±0,87 ^^^

Изох: * - ишончилилик ($p < 0,05$) соғлом ҳайвонлар билан таққосланганда (I гуруҳ); ^ - худди шундай ($p < 0,05$) даволанмаган гемолитик камқонлик билан солиштирилганда (II гуруҳ); & - худди шундай ($p < 0,05$) натрий хлор (0,9%) эритмаси инфузиясидан кейинги гуруҳ натижалари билан таққослаганда; о-худди шундай ($p < 0,05$) «Реосорбилакт» инфузиясидан кейинги гуруҳ натижаларни билан таққослаганда.

Гемолитик камқонлик ривожланишида муҳим ўрин тутадиган патологик жараёнларни шаклланишининг асосий патогенетик механизмларини ҳар томонлама ўрганишга қаратилган тадқиқот натижалари умумлаштирилганда, қизил қон ҳужайралари ва суяк кўмигида кузатиладиган бузилишларни ажратишимиз мумкин.

Шу билан бирга гемолитик камқонликда қизил қон таначаларининг емирилиш механизми ўта мураккаб бўлиб, у бевосита жигар ва талокнинг морфологик тузилишига таъсир қилувчи ЛПО/АОТ тизимлари, темир, билирубин алмашинуви ва ЭИ каби кўплаб патологик жараёнларни жалб этади.

Шу билан бирга, даволаш самарадорлигини баҳолашда янги маҳаллий қон ўрнини босувчи «Реоманнисол»ни юқори ижобий таъсирини аниқлаш имкони яратилди, бу унинг ўрганилган биокимёвий жараёнлар кўрсаткичларига ва жигар ҳамда талокнинг таркибий қисмлари патологик ўзгаришларига максимал коррекция қилиши намоён бўлди. Препаратнинг

бундай аниқ таъсири, таркибида натрий сукцинат ва маннитол мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, улар антигипоксик, антиоксидант, эритропоэтик ва дезинтоксикацион таъсирини кўрсатадиган муҳим метаболик компонентлар ҳисобланади. Бинобарин, «Реоманнисол» дори воситасини қўллаш гемолитик камқонлик билан хасталанган беморларда умумий аҳволнинг ва ҳаёт сифатини яхшиланишига ёрдам бериши мумкин.

ХУЛОСАЛАР

«Янги қон ўрнини босувчи «Реоманнисол»нинг гемолитик анемияда қўлланиши» мавзуси бўйича тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертация мавзусига асосан ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Экспериментал шароитдаги гемолитик анемиянинг бешинчи куни қон ва гематопоэтик тўқима кўрсаткичларининг максимал ўзгариши аниқланди. Антиоксидант ферментлар тизимида аниқланган бузилишлар, эҳтимол, эритроцитларнинг оммавий гемолизидан келиб чиқадиган эркин радикал жараёнларнинг кескин фаоллашуви билан боғлиқ.

2. Тажрибанинг бешинчи куни гемолитик камқонликка чалинган каламушларда жигар ва талоқ паренхимаси дисциркулятор ва дистрофик ўзгаришлар ривожланиши яққол қайд этилди.

3. Реоманнисол реосорбилактга нисбатан антиоксидант ферментларнинг фаолиятига янада самарали таъсир кўрсатади, бу эҳтимол маннитол ва сукцинат хусусиятларининг синергизми туфайли антиоксидант хусусиятлар даражасини оширади. Антиоксидантларнинг бирлашмаси эркин радикал липидлар пероксидациясининг кўп фаолиятли ингибиторидир ва унинг таркибий қисмидир, шундай қилиб, эркин радикал жараёнларнинг барқарорлашуви эритроцит мембраналарининг қаршилигини ошишига ва уларнинг гемолизини камайишига олиб келади.

4. Биологик хужайра мембраналарининг липидлар пероксидланиши жараёнларининг самарадорлигини чеклаш, уларнинг зарар келтирувчи ҳаракатларга чидамлилигини ошишига сабаб бўлади. Айнан ушбу омил реоманнисол таъсирида ўрганилаётган органларда дисциркулятор ва дистрофик ўзгаришларнинг янада самарали меъёрлашишига сабаб бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 04/30.12.2017.Тib 30.03. ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ФАЗИЛОВА ШАРИФА МИРХАМИДОВНА

**ПРИМЕНЕНИЕ НОВОГО КРОВЕЗАМЕНИТЕЛЯ «РЕОМАННИСОЛА»
ПРИ ГЕМОЛИТИЧЕСКОЙ АНЕМИИ**

14.00.16 – Нормальная и патологическая физиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib671.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Каримов Хамид Якубович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Саидов Алонур Бахтинурович**
доктор медицинских наук
Юлдашев Носир Мухамеджанович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Самаркандский Государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc 04/30.12.2019.Tib 30.03. при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби-2. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2019 года).

Г.И.Шайхова,
председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Н.Ж.Эрматов,
ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
медицинских наук

Р.Дж.Усмонов,
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, доктор медицинских наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время мире особый интерес ученых направлен «...на изучение механизмов развития и методов лечения гемолитической анемии (ГА), составляющей 5,3% среди заболеваний системы крови и 11,5% среди всех анемических состояниях во всех странах мира...»¹. Вместе с этим, все большую актуальность приобретает «...изучение механизмов разрушения эритроцитов при ГА, обеспечивающих естественную толерантность, и механизмов ее срыва, ведущих к гемолитическим процессам...»². Выявление механизмов разрушения эритроцитов, связанных с дисбалансом в системах обмена железа, антиоксидантной защиты, перекисного окисления липидов и развитием синдрома эндогенной интоксикации при экспериментальной гемолитической анемии позволит разработать новые пути их коррекции.

В мире с целью изучения патогенетических механизмов развития, и вместе с этим, повышения эффективности лечения гемолитической анемии проводится ряд научных исследований. Особое значение имеют исследования по оценке состояния показателей периферической крови и миелограммы, эндогенной интоксикации, обмена железа и определению эффективности Реосорбилакта и Реоманнисола при экспериментальной гемолитической анемии. Повреждение и разрушение эритроцитов приводит к активации различных патологических процессов в организме, приводящих к формированию гипоксии, развитию полиорганной недостаточности и летальности при ГА. Подобные состояния организма требуют незамедлительного переливания донорской крови, что далеко не всегда возможно. В этой связи, **на настоящее время продолжается** поиск альтернативных методов заместительной терапии при гемолитической анемии.

В нашей стране в соответствии с требованиями международных стандартов для развития медицинской сферы, предупреждения и снижения осложнений посредством изучения основных механизмов развития и поиска эффективных методов лечения ГА определены **следующие задачи:** «... **повысить** эффективность, качество и доступность медицинской помощи в стране, а также путем разработки эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации внедрить высокотехнологичные методы диагностики, лечения и профилактики заболеваний, поддержка здорового образа **жизни...**». Реализация этих задач позволит повысить уровень

¹ Mentzer W.C., Schrier S.L. Extrinsic nonimmune hemolytic anemias. In: Hoffman R., Benz EJ Jr., Silberstein L.E. et al., eds. Hematology: Basic Principles and Practice. 7th ed. Philadelphia, Pa.: Elsevier; 2018:663–672; Onyeabo Ch., Achi K. Ngozi, Ekeleme-Egedigwe Chima A., Chidinma U. Ebere, Chidinma K. Okoro Haematological and biochemical studies on justicia carnea leaves extract in phenylhydrazine induced-anemia in albino **rats** // Acta Sci. Pol. Technol. Aliment. 16(2) 2017, 217–230.

² Paul S., Naaz S., Ghosh A., Mishra S., Chattopadhyay A. and Bandyopadhyay D. Melatonin chelates iron and binds directly with phenylhydrazine to provide protection against phenylhydrazine induced oxidative damage in red blood cells along with its antioxidant mechanisms: an in vitro study. Melatonin Research. 1, 1 (Dec. 2018), 1-20. doi.org/10.32794/mr11250001; Phillips J., **Henderson A.C.** / Hemolytic Anemia: Evaluation and Differential Diagnosis. Am Fam Physician. 2018 Sep 15;98(6):354–361.

современной медицинской помощи в диагностике и лечении ГА, а также снизить показатели инвалидности и смертности от осложнений этого заболевания.

